O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 26 IYUL ◆ PAYSHANBA ◆ № 86 (26.788)

ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Ҳиндистонда ўтказилган Шанкар халқаро болалар расмлари мусобақаларида ўзбекистонлик ўқувчилар Н. Зиёхонова ва А. Ҳамроевлар олтин медаль соҳиби бўлишди.

Мазкур мусобақани ўтказувчи ташкилот 1949 йилда ташкил этилган. Деҳли шаҳрида уюштирилган дастлабки «Шанкар ҳафталиги»да шу мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 16 ёшгача бўлган мингдан зиёд болалар иштирок этишган эди. Орадан бир йил ўтгач ушбу расм чизиш ва мақолалар ёзиш бўйича беллашувга «Шанкар халқаро болалар мусобақаси» мақоми берилди. 1950 йилда жаҳоннинг қарийб 15 мамлакатидан етти минг нафар болалар ўз ижод намуналарини намойиш этишга муяссар бўлишган.

Ўтган ярим аср мобайнида жаҳоннинг 140 мамлакатида таълим олаётган 160 мингдан ортиқ умидли ижодкорлардан 800 нафари муносиб тақдирланди.

Яқинда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган ўзбекистонлик ёш мўйқалам соҳибларидан 15 нафарига олий даражадаги мукофотлар ҳамда сертификатлар топширилди. Шунингдек, улар ишлаган расмлар «Шанкар болалар санъати» китобида нашр этилди.

■ «Жаҳон» АА

ШУ КУННИНГ ГАПИ

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги нутқида илгари сурилган муҳим вазифалар жойларда кенг муҳокама қилинмоқда.

ИШ АНИҚЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Йилнинг ўтган даврида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган Қашқадарё вилоят фаолларининг йиғилишида билдирилган фикрларда юқоридаги муҳим вазифаларни аниқ амалга ошириш тадбирлари баён этилди. Йиғилишда республика Бош вазири ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

Ислоҳотларни чуқурлаштиришда тадбиркорликнинг ўрни қай даражада? Вилоят ҳокими Б. Ҳамидов маърузасида масала шундай кескин қўйилди ва нотиқлардан ҳам аниқ мулоҳазалар билдириш талаб этилди.

Ярим йилликда умумий маҳсулот ишлаб чиқариш 3,2 фоиз, шу жумладан, саноат маҳсулотлари 1,9, халқ истеъмоли моллари 13,2 фоизга ўсган. Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 83 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган. Қурғоқчилик шароитида ҳам ўтган йилгидан 56 минг тонна кўп дон давлатга сотилди. Энг муҳими, 22 минг тонна сара уруғ тайёрланди. Шаҳрисабз туманидаги Б. Фозилов номли ширкатда ҳосилдорлик 60 центнердан, «Китоб» ширкат хўжалигида 51 центнердан ошди. Ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказган ижарачилар анчагина. Айни пайтда пахтадан мўл ҳосил олиш учун кураш кетмоқда.

Ютуқлар кўп. Бироқ олдинда турган вазифалар, муаммолар бир талай. Қарши шаҳри, Муборак, Шаҳрисабз туманлари ўз бюджетини тўлиқ таъминлаётган бўлса, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши, Ғузор, Китоб туманлари дотация билан кун кечираяпти. Фақат шугина эмас. Вилоят аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда. Ҳар йили аҳоли 50 минг нафарга кўпаймоқда. Ҳозир 2001-2003 йилларда 121 минг ишчи ўринни яратиш дастури тузилган. Бу масалалар ечими фақат кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришдадир.

Айни пайтда 15 мингдан ошиқ тадбиркор рўйхатдан ўтган бўлса, ундан 13734 таси фаолият кўрсатаяпти. Бунинг ҳам кўп қисми деҳқон-фермер хўжаликларидир. Ваҳоланки, вилоятда табиий бойликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бисёр. Айни чоғда вилоятда етиштирилаётган меванинг 30, сабзавотнинг 23, узумнинг 32, терининг 3 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Баҳористон, Муборак, У. Юсупов, Касби туманларида бирорта ҳам қўшма корхона тузилмаган. Олайлик, Китоб туманида узум ва мевани қуритадиган, ускуналари хориждан келтирилган йирик корхона хусусий тадбиркор томонидан сотиб олинганига 8 ой бўлишига қарамай фаолият кўрсатмаяпти.

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга нималар халақит бераяпти? Нега ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ йирик лойиҳалар амалга ошмаяпти? Масалан, тадбиркорлар учун йил охиригача 12 миллиард сўм кредит бериш мўлжаллангани ҳолда ҳозиргача 3,9 миллиард сўм кредит берилган. Хорижий сармоялар ҳам жуда секинлик билан жалб этилаяпти. Минглаб бўш турган биноларни тадбиркорларга сотиш ёки ижарага бериш керак. Тадбиркорларга зарур ашёларни етказиб бериш ҳам ёмон аҳволда. Вилоят «Улгуржисавдо» ташкилотининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Президентимиз ўз нутқларида «Япон мўъжизаси» кичик ва ўрта бизнес тараққиёти туфайли юзага келганини атрофлича таҳлил этиб бердилар. Юртимизда, жумладан улкан имкониятлар воҳаси бўлган Қашқадарёда бу борада катта ишлар амалга ошиши лозим. Шунинг учун вилоят ҳокими аниқ ишлашга даъват этди. Тадбиркорлар палатаси фаолиятини жонлантириш лозимлиги кўрсатилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғи С. Раҳмонов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б. Хайитов, Китоб тумани ҳокими С. Азизов, Касби тумани ҳокими Х. Соатов, Қарши тумани ҳокими С. Хайруллаев ва бошқаларга аниқ таклифларни айтиш имкони берилди. «Бизга ишни жонлантирувчи фикр керак, — дейди ҳоким. — Бозорни маҳсулотга тўлдириб ташланг, чайқовчи ҳам қочиб кетади...»

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Юртимиз спортининг нуфузи кундан-кунга ошиб бораётганлиги ўтган ҳафта Эронда мини футбол бўйича бўлиб ўтган 3-Осиё чемпионати давомида яна бир бор кўзга ташланди. Унда қитъадаги 14 та мамлакат жамоалари орасида терма жамоамиз ҳам муваффақиятли иштирок этиб, чемпионатнинг кумуш совринини қўлга киритди.

Биринчилик учун олиб борилган муросасиз ўйинларда футболчиларимиз зафарли қатнашиб, финалгача етиб келишди. Финалда терма жамоамиз эронликларга қарши майдонга тушди. Бироқ, мини футбол бўйича Осиё қитъасида кўп йиллардан бери пешқадамликни қўлдан бермай келаётган эронлик футболчилар жиддий қаршилик кўрсатди. Учрашув мезбон жамоа фойдасига ҳал бўлди. Шундай бўлса-да, мустақилликка эришилгандан кейинги даврда Осиё чемпионатида бор-йўғи учинчи бор иштирок этаётган юртимиз вакилларининг иккинчи ўринни эгаллаши катта ютуқ ҳисобланади.

Суратда: *Эрондан қайтиб келган футболчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимидан лавҳа.*

ЁШ ФАЗОГИРЛАР САМАРҚАНДДА

Қадимий шаҳарда халқаро аэрокосмик мактабининг навбатдаги мавсуми очилиш маросими ўзига хос тантанага айланди. Мустақилликнинг ўн йиллиги ҳамда коинотга инсон чиқишининг 40 йиллигига бағишланган бу тадбирнинг буюк олим Мирзо Улуғбек камол топган шаҳарда ўтаётгани диққатга сазовор. Ўзига хос юлдузлар академияси деб баҳоланаётган бу машғулот иштирокчилари орасида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон ва Хитойдан келган юқори синф ўқувчилари бор. Тадбирга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Европа космик агентлиги, «Асакабанк» каби йирик фирма ва қўшма корхоналар ҳомийлик қилмоқда. Машғулотлар ва суҳбатларни йирик мутахассислар олиб боришади. Улар орасида космонавт Владимир Жонибеков билан Владимир Ляховлар бор. Ўзбек фазогири Солижон Шарипов эса дил сўзлари битилган мактубини йўллаган. Қизиғи шундаки, халқаро аэрокосмик мактаби талабалари имтиҳон ва синовлардан кейин сайёраларо учишларга мўлжалланган ҳаво кемалари ва космик станциялар лойиҳаларини намойиш этадилар.

■ Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ

Ирода ТЎЛАГАНОВА: «ЗАФАРЛАРИМ ЎН ЙИЛЛИККА...»



Биз яқин-яқинларгача қизларимиз орасидан теннис юлдузи чиқишини орзу қилардик. Спортнинг теннис турига эътибор қилинаётгани, оммавийликнинг йўлга қўйилгани маҳоратли ёшларнинг камол топишига имкон бермоқда. Ўсмирлар ўртасида нуфузли Уимблдон халқаро турнирида илк марта зафар қучган Ирода Тўлаганова кўпчиликни ҳайратга солган эди. Унинг бу ютуғи бежиз эмаслиги йилдан-йилга аён бўлмоқда. Бултур Ирода «Тошкент Опен» турнирида ғалаба қозонганди. Унинг бу йилги зафарлари эса бенихоя бўлди. Хусусан, WTA туркумига кирувчи халқаро турнир ўтказилган Вена шаҳрида халқаро таснифи олтинчи бўлиб турган бельгиялик Ким Клэйстерсни ҳамда ўн биринчи ўриндаги Елена Дементьеваларни доғда қолдириши зафарли юришларга йўл очди. Кейин Ирода Бельгияда ўтказилган мусобақанинг финалида Гала Лион Гарсияни 6:2 6:3 ҳисобида ютди. Бундай зафарлар сабаб кейин Ирода халқаро тасниф бўйича ўн поғона кўтарилиб, 24-бўлиб олди. У эртага Америкада ўтказиладиган нуфузли турнирга жўнаб кетади. Унга омад тилаймиз!

■ Мирзо АНВАР

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ОНА САЙЁРАМИЗ ЖАВОҲИРИ

Чабуа Амирэжиби, ёзувчи (Грузия):



Машҳур адиб Чабуа Амирэжиби номини грузинлар ватандошлари Илья Чавчавадзе ҳамда Нодар Думбадзе қаторига қўйишади. Бу йил роппа-роса 80 ёшга тўлган адиб нафақат грузин халқининг, балки инсониятнинг мулкига айланажак асарлар яратди. Грузиянинг маданияти, эртаси ва бугуни учун толмас курашчига айланган мўйсафид ёзувчи ҳозир Тблисида истиқомат қилади. «Дата Туташхиа» романи дунё бўйлаб кезмоқда. «Соҳиллар» фильми адибга шон-шуҳрат олиб келди. У «Грузия миллий қадриятларини ҳимоя қилиш ассоциацияси»ни тузди. Шу билан бирга «Янгиланган Иверия» газетасининг бош муҳаррири.

Адибнинг умр йўлдошидан унинг ишхонаси телефон рақамини сўрарканман, грузинларга хос оҳангда, лекин самимият билан аёл шундай деди:

— Чабуа бундан жуда севинади. Ўзбеклар ўзига хос халқ. Биз яхши кўрамиз. Фақат Чабуанинг овозида хасталик бор, хириллаб гапиради. Ўтинаман, сўзларини диққат билан тингланг. Тушуниб оласиз. Телефон қилсангиз сиздан жудаям ҳурсанд бўлади.

Мен Чабуа Амирэжиби билан телефон орқали боғланиб, буюклик мезони соддаликда эканига яна бир бор икрор бўлдим. Шу билан бирга Ўзбекистонни, халқимизни дунёнинг улкан адиблари, зиёлилари ҳурмат қилишидан фахрландим.

— Мухтарам Чабуа Ираклиевич! «Дата Туташхиа» романингиз, «Довон машаққати» китобларингизни рус тилида ўқиганман. Ўзбек китобхонлари сизни яхши билишади. Адабиёт миллатни уйғотади, келажак авлодни тарбиялайди, деган фикрга муносабатингиз?

— Ҳақ гап. Бадиий адабиёт ёш авлодни ўз яқинларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди. Бугун ва келажак олдидаги масъулиятини уйғотади. Умумбашарий қадриятларни қўйлайди. Шу йўлни танлаган ёзувчи адашмайди.

Асарларимга эътиборингиз учун эса миннатдорман.

— Халқларимиз орасидаги адабий-маданий алоқаларимиз хусусида сўзлашсак яхши бўларди...

— Албатта. Шўро империяси тугади. Халқларимиз орасидаги ўзаро маданий алоқалар бироз сусайгандек туюлиши мумкин. Бироқ, икки буюк халқ — ўзбеклар ва грузинларнинг маданий ҳамкорлиги тикланибгина қолмай, янги бир жабҳада юксалишига ҳам ишончим комил. Халқларимиз бунга ҳаракат қилишмоқда.

— Ёзувчи учун энг муҳим жиҳат ва мақсад нима бўлиши керак?

— Ёзувчи энг аввало ўз халқининг фарзанди. Унинг шиори шундай бўлиши керак: «Миллат — ёзувчининг қалби, интилиши, қисмати ва қувончи». Ёш адабий авлод ҳозир ғарб таъсирига берилиб бораяпти. Лекин уларнинг ғарб адабий оқимига уриб кетишлари ўткинчи, бариси ўтиб кетади. Бу шунчаки бир тебраниш, балки хасталиқдир.

— Улуғ одамлар инсоният иқболи учун курашадилар. Сизнингча, бугун ер юзи халқларига қандай хавф қутқу солмоқда?

— Бугун ер юзини уруш олидан асрамоқ керак. Бизнинг халқларимиз ҳамда бутун дунёдаги халқлар учун айрим реакционерларнинг халқлар зиндони — Коммунистик империяни тиклашга ҳаракат қилаётгани ҳам хавфлидир. Ҳар бир тоза одам миллатидан қатъи назар, айниқса, у ёзувчи бўлса ўз олдига шундай шум ниятлар билан ўрмаловчи инсоният душманларига қарши курашишни асосий мақсад қилиб қўйиши керак.

— Ҳозир қандай асарлар устида ишлаяпсиз?

— «Гора Мборгали» деган романим босмадан чиқди. Кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди. Шу кунларда «Нуроний Георгий» романимни ёзиб тугатяпман.

— Худо хоҳласа, ушбу романларингизни ўқиб чиқаман.

— Раҳмат. Адабиёт инсонни талқин этади. Инсонийлик эса умуммезон даражасида ўлчанади. Ўзбеклар дунё адабиёти ва санъатини пухта билгувчи халқ.

— Ана шундай фазилатли халқимиз яқинда озодлигининг 10 йиллигини ўз миллий байрами сифатида нишонлайди.

— Ўзбекистон, ўзбек халқи ва унинг кўп асрлик маданияти сайёрамизнинг жавоҳирларидан саналади. Ўзбек халқини шунчалар севаманки, ҳатто ўзбекларни яқиндан билиш учун атайлаб юртингизда бўлганман. Истиқлолингизнинг ўн йиллиги байрами арафасида саксон ёшли мендай қариянинг кўнглидаги гапни эшитинг:

«Улуғ аждодларингизнинг буюк меросини асранг. Энг аввало Ўзбекистонни асраб-авайланг».

Сизга биродарларча бағримни очиб, улуғ айёмингиз билан қутлайман.

■ Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ЯНГИ ҲУКУМАТ

Югославия парламенти ҳукуматнинг янги аъзоларини тасдиклади.

Унга кўра Бош вазир — Социалистлар партияси намояндаси Драгиша Пешич бўлди. Пешич Слободан Милошевич президентлик даврида молия вазири вазифасини бошқарган. Янги ҳукумат таркиби 10 нафар вазирдан иборат бўлиб, аввалгисидан 6 та кам. Зеро, у 1992 йилдан буён Югославия тепасига келган бешинчи ҳукуматдир.

ATLANTIS ЕРГА ҚАЙТДИ



Чоршанба куни Гринвич вакти билан соат 3:39 да Atlantis космик кемаси ерга қайтди.

Беш кишилик экипаждан иборат космик кема Флорида штатидаги Кеннеди номли космодромга қўндирилди. Ушбу космодром бундай фазо кемасини охирги 20 йил ичида 18-марта қабул қилиши. Atlantis аъзолари фазода атига 13 кун бўлса-да, дастур доирасидаги ҳамма вазифани уддалашди. Улар ўтган шанбада Халқаро Космик Станция(ХКС)дан очиқ фазога чиқишиб, янги шлюз ўрнатишга ҳамда унинг тўлиқ ишлашига эришдилар.

Янги шлюз-модуль ХКСдан очиқ фазога ҳеч қандай космик аппаратларсиз чиқиш имкониятини яратади. Авваллари, бу фақат АҚШ ёки Россия космик кемалари ёрдамидагина амалга оширилар эди.



МОСКВАДА КУЧЛИ БЎРОН

Россия пойтахтида юз берган кучли шамол ва ёмғир туфайли 7 киши халок бўлди, элликдан ортик одам турли даражада тан жароҳати олган.

Табиий офат чоғида шамол секундига 28 метр тезликда эсган. Талафотлар пойтахтнинг шарқий қисмида бирмунча катта. Умумий ҳисобда 2,5 мингдан ортиқ дарахт қулаган, 200 га яқин троллейбус ҳамда трамвай йўллари ишдан чиққан. Ҳалок бўлганларнинг орасида 73 ёшли аёл ҳам бор.



ВАЗИР АЙБИГА ИҚРОР

Франция соғлиқни сақлаш вазири Бернар Кушнер ўз айбига икрор бўлди.

Ҳақиқатдан ҳам у врач бўлиб ишлаб юрган вақтларида ўз мижозларини ўлдирган экан. Унинг айтишича, Ливан ҳамда Вьетнам уруши пайтида жароҳати жуда оғир беморларни укол йўли билан азобдан «қутқарган». Кушнер «Агар, инсон қаттиқ азоб чекса, боз устига ҳаётга қайтаришнинг иложи бўлмаса, унинг ҳаётдан кўз юмишига шу йўсинда бажонидил ёрдам берардим. Буни жиноят деб билмайман», дея ўз хатти-ҳаракатини изоҳлади.

Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади

ПЕШТАХТАДА ҚИЗИЛ КАРАМ

— Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарна ўйлаб топишмайди-я?

Бозор айланиб юрган онахоннинг бу ҳайратидан эътиборимиз пештахталарга қадалди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг сотувчи биз кўрмаган ва эшитмаган қип-қизил карамларни чиройли қилиб териб қўйган эди. Бундай карамлар пойтахтнинг «Паркент» бозорида сотилаётир. Суриштирсак, сабзавоткорлар карамнинг бу нав уруғини Германиядан олиб келишибди. Олмон олимлари бундай ҳосилни лавлаги билан оддий карам уруғини чатиштириш йўли билан яратишган экан. Қиборайда истиқомат қилаётган Носир Назиров қизил карам уруғини бизнинг шароитимизга мослаштирибди.

■ Раъно БАКИРОВА

ПАРТИЯ ҲАҚИДА КИТОБ

Мамлакатимизда миллий истиқлолнинг 10 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш жараёни авжида. Шаҳару қишлоқлар, меҳнат жамоалари, идора, муассаса ва ташкилотлар, истиқлол туфайли ўзлигини таниб бошлаган фуқаролар, миллий урф-одатларимизга яраша, байрамга меҳнат совғалари, турли туҳфалар тайёрламоқдалар. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг борлиги ҳам табиий. Зеро, партиямиз — истиқлолнинг ҳосиласи, у, мустақилликни асраб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига астойдил ҳисса қўшиб келаётган, мамлакатимиздаги нуфузли сиёсий ташкилотлардан бири. Давлатимиз тўйи унинг учун яна шуниси билан эътиборлики, жорий йилнинг ноябрида ХДПнинг ўзи ҳам ўн ёшга тўлади. Шунинг учун партиямизнинг истиқлол юбилейига атаб амалга ошираётган тадбирлари бисёр ва ранг-барангдир.

Улардан бири — Ўзбекистон ХДПнинг ташкил топиши ва фаолияти тарихини таҳлил қилиш асосида яратилган қуйидаги махсус китоб: **Собир Қурбонов. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ташкил топиши ва фаолиятидан лавҳалар). — Тошкент.: «Университет» нашриёти — 2001. — 208 б.** У куни кеча босмадан чиқди.

Таниқли сиёсатшунос ва тарихчи қаламига мансуб ушбу асар кириш қисми, тўрт боб, хотима ва Ўзбекистон ХДП солномасидан иборатдир. Муаллиф кўплаб далил ва ҳужжатлар асосида мазкур партиянинг вужудга келишининг сабаб ҳамда омиллари, унинг ўзига хослиги ва хусусиятлари, дастурий мақсад-муддаосини содда ва ишончли қилиб баён этган. Китоб билан танишган киши мазкур партиянинг нима учун халқ партияси, деб номланишининг сабабу моҳиятини билиб олади, унинг дастурий ғоялари, жорий сиёсати ва кўп қиррали фаолиятидан чуқурроқ хабар топиб, у, амалий ишлари билан, ўзининг номини оқлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекистон ХДПнинг 10 йиллик тарихи мустақил мамлакатимиз сиёсий тарихининг таркибий қисми, унинг ўзига хос бир бобидир. Унда юртимизнинг истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш мақсадида, босиб ўтган йўли, мавжуд ютуқ ва муаммолар, муайян тарзда, ўз аксини топган. Асар, шунингдек, партия, ўзининг бутун тарихи давомида, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг ислоҳотчилик сиёсатини ҳамиша қўллаб-қувватлаганлиги, унинг сиёсий таянчи вазифасини ўтаб келганлиги, ХДП аъзоларининг мамлакатимиздаги туб ўзгаришларда фаол иштирок этаётганлиги тўғрисида ишончли тасаввур ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Китоб Ўзбекистон ХДП фаоллари, тарғиботчи ва тадқиқотчилар, қолаверса, кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Денов педагогика коллежининг қайтадан «туғилиб», иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. 1967 йилдан бери мамлакатимиз кадрлар тизимига озмикўпми ҳисса қўшиб келаётган билим маскани сўнгги йилларда эскириб, таъмирталаб бўлиб қолганди. Истиқлол шарофати туфайли ушбу даргоҳнинг бағрига ҳам офтоб тегди. Юртбошимизнинг хайрли ташаббуси билан коллеж биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий услубда жиҳозланди. 400 млн. сўмдан ошиқроқ маблағ ҳисобига қайта таъмирланган мазкур даргоҳ эндиликда бежирим кўриниш олди. Коллежнинг очилиш маросимида қатнашган вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжонов замонавий ўқув биносини кўздан кечирар экан, талабаларга қарата: «Сизлар фақат «аъло»га ўқишингиз керак, чунки Ватанимизнинг эртанги тараққиёти сизларнинг қўлингизда», дея таъкидлаганди. Ўтган ўқув йилини янги синфхоналарда бошлаган талабалар яратилган шароитлардан мамнун ҳолда билим олмоқдалар.

750 нафар ёшни ҳунарли қилишга мўлжалланган коллежда 7 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Ёшларнинг билим ва маҳоратларини ошириш учун турли хил тадбирлар, айниқса, спорт мусобақаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят ва туман миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда коллеж жамоаси фахрли ўринларни қўлга киритиб келишяпти.

Шу йилнинг 6-7 июнь кунлари Ангрен шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика танловида вилоятлардан қатнашган 14 та жамоа орасида «Сурхондарё санъати»ни намойиш қилган коллеж жамоаси фахрли ўринни эгаллади.

— Ўқув масканимизда асосий эътибор ёшларнинг соғлом, ҳар томонлама билимли бўлишига қаратилади,— дейди билим маскани раҳбари Орзиқул Файзиев. — Бу йўлда ҳукуматимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан мамнунмиз.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

***

Суратларда:
коллеж ҳаётидан лавҳалар

Муаллиф олган суратлар

ЛУҚМА

ҒАЛАТИ «ЭГИЗАКЛАР»...

Пойтахтга кетяпмиз. Тушда Хоразмдан чиққан автобус ҳуфтонда Самарқанд вилояти чегарасига етиб келди. Бу автобуснинг тўхтатиши-ю, ички ишлар бўлими ходимининг машинага чиқиб, ҳужжат текширишидан билинади. «Эгизак пост!» дейди бир биланғон.

Йўлда ҳужжатнинг текширилиши яхши. Фуқароларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиши янада яхши. Шу боисдан бу текшириш ярим соатлар чўзилади. Автобус салони кўздан кечирилади, юкхонадаги турли юклар туширилиб қатъий назоратдан ўтказилади. «Ҳеч қандай таъқиқланган юк йўқ, кетишингиз мумкин!»

Аммо, автобус эллик метрлар юрмасдан тағин тўхтайди. Ҳаммаси қайтадан бошланади: йўловчилар ҳужжати текширилади, юклар ерга туширилади, қайта юкланади. Бунга яна ярим соатлар вақт кетади...

Қизиғи шундаки, Навоий ва Самарқанд вилоятлари чегарасидаги ДАН масканлари шундоқ ёнма-ён жойлашгани. Ораси эллик қадамча. Йўловчилар бу масканни «Ҳасан-Ҳусан» деб аташлари ҳам шундан.

Навоий вилояти ДАН маскани ходимлари автобусларни синчиклаб кўздан кечираётганда Самарқанд вилояти ДАН ходимлари томошабин бўлиб қараб туришади. Юкхоналардан юклар туширилиши ва қайта юкланишини томоша қилишади. Чунки, бирор даҳиқалардан сўнг улар ҳам шу жараённи ўзлари такрорлашади-да.

Йўлда назорат яхши. Аммо, «эгизак пост»даги аҳвол қулги уйғотади. Яна бир томони бир давлат, бир вазирлик формасини кийган икки вилоят давлат автомобиль назорати ходимларининг бир-бирларига ишончи йўқмикан деган таассурот қолдиради. Ёнма-ён масканда — эллик метрлик масофада кўп сонли йўловчиларни шу тахлитда кетма-кет назоратдан ўтказиш шартмикан?

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИЗЛАНГАННИНГ ИШИ БЕШ

Буни «Ўзкимёқишлоқ» ҳиссадорлик жамияти Бўз тумани бўлими жамоаси бажарган тадбирлар ҳам тасдиқлайди. Бўлимда ширкат хўжаликлари учун деҳқончиликда ишлатиладиган минерал ўғитларни марказлашган тарзда етказиб бериш йўлга қўйилди.

Деҳқончилик ишларининг иссиқ-совуғини яхши тушунган бўлим раҳбари Алибек Адҳамов иқтисодий мушкул аҳволга тушган автокорхонага тегишли катта бинони жамоа тасарруфига олди. Бинода таъмирлаш ишлари жадал бажарилиб, замонавий омборхона оз фурсатларда қуриб битказилди. Ҳали кўпчилик минерал ўғитлар ҳақида ўйламаётган пайтдаёқ Алибек Адҳамов ва мутахассислар мамлакатимиздаги минерал ўғитлар тайёрловчи корхоналар билан шартномалар тузишга улгуришди. Белгиланган миқдордаги маъдан ўғитлар омборхонага келтирилиб қўйилди.

Марказлашган омбор ичида техникалар бемалол ҳаракатланади. Юклаш-тушириш учун ҳам қулайликлар яратилган. Иброҳимжон Раҳимбердиев, Йўлдошали Қурбонов сингари механизаторлар минерал ўғит учун келган ҳайдовчи-ю транспортчиларни куттириб қўйишмайди. Келувчилар бир пиёла чой ичгунларигача зарур миқдордаги хомашё юклаб бўлинади.

Ишни тўғри ташкил этиш бўлим жамоасигагина эмас, балки Бўз туманидаги ширкат хўжаликларига ҳам маъқул тушди. Бугун минерал ўғитлар олиш учун буюртма берган ширкат хўжалиги вакилининг иши ортиқча оворагарчиликларсиз битади.

— Ҳозир омборимизда 2 минг тонна азот, калий, суперфосфат, аммофос бор, — дейди бўлим раҳбари Алибек Адҳамов. — Хўжаликлар керакли минерал ўғитлар учун олдиндан пул ўтказадилар, ҳамкорларни маҳтал қилмаймиз. Бизга ҳам, бошқаларга ҳам қулай, манфаатли усулда ишлаймиз.

Минерал ўғитларнинг марказлашган омборда сақланиши турли талон-торожликларга, кўнгилсизликларга барҳам берди. Хўжаликларнинг оғири енгил бўлди. Белгиланган ҳисоб-китоблар асосида эҳтиёжга қараб мурожаат қилинса, бўлим жамоаси уларнинг мушкулини осон қилади.

Қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ер, сувдан минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш айни кундаги талаб ҳисобланади. Бунда ички имкониятларни излаб топиш ва амалиётга тадбиқ этиш яхши натижа берди. «Ўзкимёқишлоқ» ҳиссадорлик жамияти Бўз тумани бўлими жамоасининг ҳааркатлари бунга яққол мисолдир.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мунтазам қатнашиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп сонли ташкилотлари тўлақонли фаолият кўрсатмоқдалар. Жойлардан узлуксиз олинаётган ранг-баранг хабарлар уларнинг ташаббуси билан ёинки фаол иштирокида турли-туман оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ва ўзгача тадбирлар ўтаётганидан далолатдир. Табиийки, уларнинг катта қисми Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ. Биз уларнинг айримлари билан кенг жамоатчиликни таништиришни давом эттирамиз. Қуйида кейинги ҳафтада қилинган ишлардан намуналар келтирилмоқда:

Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан

Ўзбекистон ХДП Бекобод шаҳар кенгаши Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқда. Куни кеча кенгаш масъул ходимлари оталиқдаги N- ҳарбий қисмнинг шахсий таркиби билан учрашдилар. Кенгаш биринчи котиби Б.Содиқов «Ўзбекистон ҳукуматининг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати, мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги муваффақиятлари» мавзуида маъруза қилди.

✧✧✧

Оҳангарон шаҳар партия кенгаши Ўзбекистон давлат мустақиллигини нишонлаш муносабати билан турли байрамолди тадбирларни ўтказмоқда. Унинг томонидан шаҳардаги қариялар уйининг оталиққа олиниши шулардан бири. Унга мувофиқ, қарияларга совға-саломлар улашиш ташкил этилади, дори-дармонлар етказиб берилади, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади.

✧✧✧

Янгийўл шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари мустақиллик байрами олдидан ободончилик ишларини ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар. Уларнинг бевосита иштирокида шаҳарда «Намунали маҳалла» ва «Намунали уй» кўрик-танловлари бўлиб ўтаётир. Уларда, айниқса, Охунбобоев ва Нодирабегим номли, «Файзиобод» ҳамда «Саиди» маҳаллалари аҳли фаоллик кўрсатмоқда.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари ўртасида, «Мен буюк эл фарзандиман» шиори остидаги, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, танловни ўтказди. Партия қуйи бўғини етакчилари фаоллигини кучайтириш, уларнинг сиёсий ва маданий савиясини оширишга қаратилган ушбу тадбирда А.Навоий номли маҳалладаги ҳудудий партия ташкилоти котибаси Роза Эгамбердиева ғолиб, деб топилиб, у қимматбаҳо совға (гилам) билан тақдирланди. Танловнинг қатор бошқа иштирокчилари қўл соатлари билан мукофотландилар. Тадбирни ўтказишга Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутатлар ҳомийлик қилдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Сергели тумани кенгаши фуқаро авиациясининг 243-корхонасида, маъмурият ва бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан, учрашув ўтказди. Учрашувда Олий Мажлис депутати, республика Рус маданияти марказининг раиси С.Зинин, корхона касаба қўмитаси раиси Г.Нурмуҳамедова, бу ерда фаолият кўрсатаётган Ёшлар маркази директори Л.Плотникова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Тадбир ниҳоясида туман партия кенгаши биринчи котиби Л.Исматова бир гуруҳ фаолларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғаларини топширди.

✧✧✧

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Т.Мирзаев номли ва «Машъал» ширкат хўжаликлари ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида, уларнинг ҳисобида турувчи ХДП аъзолари, партиясиз деҳқон ва хизматчилар иштирокидаги, очиқ йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, партиядошларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги вазифалари ҳамда мамлакат мустақиллигининг 10 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга қаратилган ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Йиғилишларда туман партия кенгаши котиблари А.Абдужабборов ва С.Эргашевалар сўзга чиқдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши ходимлари, З.Темурова раҳбарлик қилаётган «Зебо» кичик корхонаси жамоаси аъзолари билан, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, суҳбат уюштирдилар. Суҳбат жараёнида мустақиллик йилларида мамлакатимиз қўлга киритган тарихий ютуқлар ва уларда партиямизнинг иштироки тўғрисида ҳикоя қилинди. Тадбир якунида корхонанинг, Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинган, 17 нафар илғор ходимига партияга аъзолик билетлари топширилди.

✧✧✧

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клубининг навбатдаги, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, машғулоти «Уйғоқ юрагимизда яшайсан, Ватан!», деб номланди. Унда вилоятдаги ёш ижодкорлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари қатнашдилар. Мамлакатимиз истиқлол йилларида босиб ўтган қисқа, аммо, мазмунли йўл, ёшларнинг ислоҳотлардаги иштироки ва уларнинг юртимиз келажагидаги ўрни ҳақидаги чиқишлар, шунингдек, Янгиер шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Авазбек Сирлиевнинг Ватан ва истиқбол мавзуидаги шеърлари ҳамда ёш хонанда Ҳабиба Чинмирзаеванинг қўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди.

✧✧✧

Сирдарё тумани ёшлари ўртасида, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» шиори остида, оммавий тадбир ўтказилди. Унинг доирасида спорт мусобақалари ва ёш хонандалар танлови бўлиб ўтди. Тадбирни тайёрлашда, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати туман ташкилотига, ҳокимлик ва бошқа ташкилотлар билан бирга, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши яқиндан кўмаклашди.

✧✧✧

Шу туманнинг автобуслар корхонасида, туман партия кенгаши масъул ходимлари иштирокида, давлатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига бағишлаб, «давра суҳбати» ташкил қилинди.

Оммавий-сиёсий, тарғибий-маърифий ишлар

Ўзбекистон ХДП Олтинкўл туман кенгаши, «Мамаюсуфчек» маҳалласида, «Диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатлари» мавзуида йиғин ўтказди. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия ва маҳалла фаоллари, фуқаролар вакиллари иштирок этган тадбирда тумандаги Иқтисодиёт коллежи директорининг ўринбосари Т.Раҳмонов маъруза қилди. Маърузачи диний экстремизмнинг келиб чиқиш ва тарқалиш сабаблари, мазмун-моҳияти ҳамда жамият учун зарарли оқибатлари ҳақида тўхталиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

✧✧✧

ХДП Оқолтин тумани кенгаши ташаббуси билан, «Оқолтин овози» туман газетасида, партия ҳаётини мунтазам ёритувчи, махсус саҳифа чоп этила бошланди. Ойда бир марта чиқарилаётган мазкур саҳифанинг навбатдаги сони июль ойида газетхонлар диққатига ҳавола қилинди. Унда Ўзбекистон ХДП Оқолтин туман кенгаши биринчи котиби М.Муродованинг мақоласи ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига доир хабар ҳамда лавҳалар босилди.

✧✧✧

ХДП Бухоро шаҳар кенгаши «Бухороёр» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотига, корхонанинг ишчи ва хизматчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрганилишини уюштиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Партиявий-ташкилий ишлар

Ўзбекистон ХДП Амударё туман кенгашининг III пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Унда, Ў.Ёқубова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, туман партия кенгаши биринчи котиблигидан озод қилинди, тумандаги 24-автосарой директори бўлиб ишлаб келган Рустам Хўжаниёзов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Амударё туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А.Асанов ва туман ҳокими Р.Йўлдошев сўзга чиқдилар.

✧✧✧

ХДП Қўрғонтепа туман кенгаши, Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида, партия мажлисини ўтказишда бош-қош бўлди. Унда, Ўзбекистон ХДП сафларига кирган, 20 нафар фаол фуқароларга партияга аъзолик билетлари топширилди. Улар орасида қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар раис ҳамда котиблари, хотин-қизлар кенгашлари раисалари, шунингдек, осойишталик посбонлари бор. Мажлис қарори билан мазкур ҳудудда бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Туман партия кенгаши биринчи котибаси З.Каримова партиямизнинг янги аъзоларини янги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти тузилганлиги билан табриклаб, Ўзбекистон ХДП тузилмалари олдида турган долзарб вазифалар, мустақилликнинг ўн йиллик тўйига жойларда кўрилаётган тайёргарлик ишларининг бориши хусусида батафсил сўзлаб берди.

✧✧✧

Балиқчи тумани марказидаги маданият саройида Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган, 31-Балиқчи сайлов округидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан парламент аъзолигига кўрсатилган ўринга номзод Андижон вилояти машина ва тракторлар парклари бирлашмаси ОАЖ бошқаруви раиси Қаҳрамонжон Усмонов сайловчилар вакиллари билан учрашди. Учрашув иштирокчилари депутатликка номзоднинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳамда унинг сайловолди дастури билан таништирилдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

БУТУН ЎЗБЕКИСТОН БАҒРИНГИЗДАДИР

Томоғимга бехос қадалиб,
Сайрамоқчи бўлган андалиб —
Ўзингмисан, эй, сен юрагим?
О, ўзимнинг ёлғиз сергагим,
Алланечук бўлиб турибсан,
Бошқачароқ тўлиб турибсан.
Ич-ичингда қандай ғалаён
Қийнаяпти, қани эт баён:
Кечагина ўзи ким эдик,
Нега тобъе, нега жим эдик?!
Қўрқитувдан изиллаб қолган,
Тенгсизликдан безиллаб қолган —
Сен, эй, юрак, нега ҳилвираб,
Бардошимиз бутунлай нураб —
Лоқайдликнинг маъшум дастидан
Мажақландик оёқ остида.
Ожизлашиб ақиллигимиз,
Қуюқлашиб бақиллигимиз —
Адашдигу йўлларимиздан,
Ғурур кетди қўлларимиздан!
Тилимизни тортиб олдилар,
Дилимизни тортиб олдилар.
Бузиб-бузиб меҳробимизни,
Бузиб-бузиб тарихли изни,
Таний олмай қолсин деб ўзни —
Ҳақоратлаб илдизимизни—
Ўтдан олиб, ташлашди ўтга,
Енгилтакдир, буни унутган!
Ёндирилди Қуръону Ҳадис,
Ёндирилди ширин туйғу-ҳис.
Сарсон бўлди оҳ-воҳимиз ҳам,
Зор қақшади арвоҳимиз ҳам!
Қанотимиз — Имон қайрилиб,
Ул маънавий руҳдан айрилиб;
Томирини қуртлар кемирган,
Томирини қуртлар емирган —
Дарахтлардай яшаганимиз,
Миннатли ош ошаганимиз,
Йиғитлигим чол бўлган дамлар,
Ақлу идрок шол бўлган дамлар,
Йиғлаб-йиғлаб кўзда ёш қолмай,
Депсалишдан дошда дош қолмай —
Куйиб кетди ҳақгўйлар бағри,
Нолаларга тўлди Ер қаъри!
Борлиқ сингиб кетди нидога,
Титроғимиз етди худога.
Ё, Оллоҳим, сен ёлғиз саҳий,
Охир келди ўзингдан ваҳий:
Парчаланди қўлдаги кишан,
Бош кўтарди номус-ору шаън.
Юртбошимни ўзинг юбординг,
Оромимига айланди дардим!
Уни бизга раво кўргансан,
Дардимизга даво кўргансан!
Тенглар ичра мана тенг бўлдик,
Кенглар ичра биз ҳам кенг бўлдик.
Ё, Худойим, мен ҳам мўминман,
Сўровлардан шудир умуман:
— Улуғ бобом Бухорий ҳақи,
Яссавийнинг ул зори ҳақи,
Мангуберди кўзлари ҳақи,
Амир Темур сўзлари ҳақи,
Ғиркўк бўлиб кишнаган тулпор,
Биз қабрини излаган Чўлпон,
Фитрат ҳақи, Усмоннинг ҳақи,
Она Еру Осмоннинг ҳақи,
Жойнамозим устида айтган,
Юрагимдан айтилган байтга, —
Ўз арзимни қўшяпман Худо,
Ўзингдан ҳеч этмагин жудо!
Отам ўтди зулмдан ахир,
У жон берди, қўлимда ахир.
Кўксимизни ўртантирган «оҳ»,
Ёдимдадир умидсиз нигоҳ!
Ким унутар ўша кунларни,
Дил қақшаган ўша тунларни?!
Бугун Ватан ишқида куйиб,
Истиқлолни куйлайман тўйиб!
Ширин-ширин ўйга ботамиз,
Эркинликнинг завқин тотамиз,
Бахту иқбол йўлини очиб,
Меҳрингизни нурдай тенг сочиб,
Нигоҳ ташлаб ҳар биттамизга,
Жой бағишлаб ҳамиша Сўзга;
Дедингизким: Сизлар ишончим,
Сизлар менинг қудратли кучим.
Қувончингиз бахтиёр чоғим,
Қани, энди етса қучоғим —
Ҳаммангизни сиғдира олса,
Меҳрингизни олиб яйрасам!
Сўзларингиз жоннинг озиғи,
Юрт иқболин бахтли ёзуғи!
Худо берган ақлу ғайратдан,
Қараяпти жаҳон ҳайратда!
Ота бўлиб ардоқлаб бизни,
Бағрингизга олганингизни
Ҳамиша ҳис этиб турибмиз,
Не истасак етиб турибмиз.
Томиримда жўш урур қоним,
Душманингиз менинг душманим!
Кўзимизнинг қароғидирсиз,
Тақдиримиз чароғидирсиз,
Сиздан олиб қалбларга зийнат,
Ўзга йўлни Ватан этди рад!
Улғайяпти бўю бастимиз,
Узун бўлиб қолди дастимиз.
Кенгга кенгдир бу ёруғ дунё.
Торга тордир бу ёруғ дунё.
Ўт очганмиз модор кушларга
Ўт очганмиз падаркушларга.
Ватан сотиб, Ватан излаган,
Бой ўғлидай ноҳуш бўзлаган —
Шайтон бўлиб чиққан касларни,
Тайини йўқ таги пастларни —
Қўймаймиз бош кўтаришига,
Фидойимиз Ҳумо қушига!
Миннатдормиз Сарбоним Сиздан,
Имон чақнар юзларингиздан,
Шижоатли кўзларингиздан
Камолимиз сўзларингиздан,
Бахт топяпмиз изларингиздан,
Улуғ юртим қучоғингизда!

■ Йўлдош СУЛАЙМОН

БИЛАСИЗМИ?

АГЕНТЛИКЛАР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

XIX асрдан бошлаб халқаро миқёсдаги информацияларга эҳтиёж кучая борди. Бу пайтда ахборот етказиш технологиялари ҳали ривожланмаган бўлиб, эндигина телеграф кашф қилинган эди. Халқаро янгиликлар оғиздан-оғизга ўтиб ёки хатлар, газеталар орқали жуда секин тарқалган.

1815 йил Англияда Барон Масон Мейер Россчайлд биринчи бўлиб халқаро коммуникация иши билан шуғулланиб, Европада энг яхши ва энг узоқда бўлган воқеалар ҳақида тўғри хабар берувчи агентлик хизмати билан шуғуллана бошлади. Машҳур Ватерло жангида бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги хабарни чопар Лондонга етказиб келади. Россчайлд бу хабарни зудлик билан кўпайтириб сота бошлайди. Хабар буюк саркарда Наполеоннинг Виллингтон томонидан тор-мор этилиши ҳақида эди.

Чарлес Ҳавас, Бернард Волф ва Жулиас Рейтер Европада биринчилардан бўлиб халқаро ахборот агентлиги билан шуғулланган машҳур инсонлар бўлган. Улар қушлар, оптик телеграф ҳамда почта хизматидан фойдаланишган. Ахборот олиш учун ҳар қандай, ҳатто ноқонуний ишлардан ҳам қайтишмаган. Ҳавас Франция ҳукуматининг оптик телеграф кодини бузиб, қимматли маълумот соҳиби бўлган эди. Бошқа бир немис, Ҳаваснинг ишчиси Жулиас Рейтер ахборот олишда устозини йўлда қолдириб кетди. Дастлаб Франция телеграф линияси Брюсселда узиб қўйилди. Кейинроқ Бельгия ва Пруссия чегараларидаги Аакен шаҳридан ўтувчи Германия кабелларининг 1 километрга яқини изсиз йўқолди. Албатта, бу ишлар муаллифи Рейтер эди. 1849 йилда Рейтер ўзининг халқаро миқёсда фаолият юритувчи шахсий ахборот агентлигини очади. Унинг одамлари ҳам ахборот олишда хўжайинлари йўлидан бориб, Брюсселда почта поездини 7 соатга тўхтатиб қўйиб керакли маълумотларни ўмаришган.

Юқорида номлари қайд этилган бу уч агентлик XX асрнинг иккинчи яримларига қадар бутун дунё бўйлаб ўз монополияларини ўрнатишган. Улар ҳатто, биринчи жаҳон уруши даврида ҳукуматлар ўртасида ҳарбий операцияларга оид муҳим ҳужжатларининг олди-сотдисида ҳам иштирок этишган.

Ҳозирги кунда жаҳон журналистикасида ёзилмаган қонун сингари бир тушунча мавжуд. «Ҳар ким ўз вазифасини бажариши шарт. Ҳар қандай ахборотни оммага етказиш журналистнинг вазифаси, уни сир сақлаш эса маълум соҳа эгаларига тегишлидир». Бу тушунчани шу агентлик асосчилари киритишган, десак хато бўлмайди.

Чарлес Ҳавас асос солган агентлик фаолияти нацистлар Германияси томонидан иккинчи жаҳон уруши арафасида таъқиқлаб қўйилди.

«Рейтер» номи эса кундалик ҳаётда тез-тез қулоққа чалиниб туради. Демак, ҳали ҳам бу агентлик информация рақобат майдонида ўз таъсирини сақлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда бошқа соҳалар каби дунёни ахборот агентликларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳонда мавжуд барча мамлакатларнинг миллий ва халқаро характердаги ахборот агентликлари мавжуд. «Туркистон-пресс», Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда «Жаҳон» ахборот агентликлари мана бир неча йилдирки юртимизда фаолият юритиб келмоқда. Шу йўлда озми-кўпми анча тажриба йиғиб, жаҳонда ўз таъсирига ва ўз ўрнига эга бўлиб боришмоқда.

■ Юнус БЎРОНОВ

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

«ЭГМОНТ» ТАРЖИМОНИ

Изланиш — тадқиқотчи учун кутилмаган кашфиётларни ҳадя этувчи жараён. Баъзан аниқ мақсад билан изланасану аммо бирор натижага эриша олмайсан, киши. Баъзан эса кутилмаганда ажойиб бир топилмаларга дуч келиб, олам-олам завқ оласан...

50-йилларнинг биринчи ярми каминанинг талабалик йиллари эди. Худди ўша кезларда Тошкент радиоси орқали буюк немис шоирининг «Эгмонт» трагедияси асосида тайёрланган радиоспектакль эшиттирилган. Аксар ёшларнинг маънавий оламига катта таъсир кўрсатган бу асарнинг кучи нафақат Гётенинг оташин сўзлари ва Бетховеннинг қудратли мусиқасида, балки Эгмонт ролининг ижрочиси, унутилмас Убай Бурҳоннинг актёрлик маҳоратида ҳам эди. Қатор ўлмас радиоспектаклларнинг ва адабий эшиттиришлар ижодкори бўлган Убай Бурҳон ижодий ҳаётининг чўққиси ана шу «Эгмонт» эди. Актёр ўз овозининг бадиий имкониятларидан шу спектаклда моҳирлик билан фойдаланибгина қолмай, энг муҳими, қаҳрамоннинг руҳий оламига теран кира олган ва шу оламни барча орзую изтироблари билан акс эттира олган эдики, уни ҳатто ўнлаб йиллар ўтганидан кейин ҳам унутиш амри маҳолдир.

Ўша йилларда «Эгмонт»га энг машҳур актёрлар мурожаат этишган. Шулардан бири Г. Козинцевнинг «Ҳамлет»ини Тошкентда ҳам намойиш қилган. Аммо унинг «Эгмонт»и олдида ҳеч гап эмас эди.

Иоганн Эккерманнинг ёзишича, кунларнинг бирида Гётенинг ҳузурига инглиз ҳарбий инженери келган. Суҳбат мавзуи таржима масалаларига бориб тақалганда, бояги меҳмон бундай деган:

— Мен «Эгмонт»ни ўқиб чиқдим. Бу пьеса менга шунчалик фароғат бағишладики, уни ҳатто уч маротаба қайта ўқидим. «Торквато Тассо» тўғрисида ҳам шундай фикрни айтишим мумкин. Ҳозир эса «Фауст»ни ўқияпман, аммо у менга мураккаблик қиляпти.

Гёте меҳмонининг бу сўзларидан сўнг «Фауст» ва «Торквато Тассо» асарлари тўғрисида мулоҳаза юритгач, бундай қизиқ маълумотни берган:

— Мен «Эгмонт»ни минг етти юз етмиш бешинчи йили, демак, бундан эллик йил муқаддам ёзганман. Ҳамма нарсада тарихга риоя қилиб, ҳар томонлама ҳаққоний бўлишга уринганман. Бундан ўн йил аввал Римда бўлганимда «Эгмонт»да тасвирланган инқилобий саҳналарнинг Нидерландда айнан такрорлангани хусусида газеталардан ўқидим. Бундан шундай хулосага келдимки, дунё ўз моҳиятига кўра ўзгармайди ва менинг тасвиримдаги борлиқ ҳаётий ҳақиқатдан ҳоли эмас.

Эгмонт тарихий шахс бўлиб, унинг ҳаёти Нидерланд халқининг испан ҳукмдорлигига қарши олиб борган миллий-озодлик кураши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Эгмонтнинг испан зиндонидаги Убай Бурҳон овози билан ўқилган оташин монологида ўттиз еттинчи йил курбонларининг дардлари туғён уриб туради. Бинобарин, агар Гёте ҳаёт бўлганида, «Эгмонт»да тасвирланган айрим саҳналар орадан бир юз эллик йил ўтгач, собиқ советлар мамлакатида айнан такрорланган, деб айтиши мумкин эди.

Дарвоқе, Эгмонтнинг бизнинг ғализ таржимамиздаги мана бу сўзларини ўқинг:

— Қадрдон дўстим! Менга ҳеч қачон хиёнат қилмаган уйқу! Мана, сен ҳам бошқа дўстлар сингари мени ташлаб кетмоқдасан. Сен менинг ҳур бошимга қандай мулойимлик билан қўнар ва арчагул чамбаридек, муҳаббатнинг гўзал гулчамбаридек мени сархуш айлар эдинг. Сафар чоғларида ҳам, турмушнинг ғурбатли дамларида ҳам мен, кучга тўлиб бораётган чақалоқ сингари сенинг оғушингда енгил ва равон нафас олар эдим. Бўрон шох-шаббалар орасидан увлаб, дарахтларнинг қадди-қомати дол бўлганида ҳам мен метиндек қилт этмасдан турардим. Энди сенга нима жин урди? Синовлардан ўтган метин юракни қалтирашга нима мажбур этди? Биламан: бу менинг илдизларимга эҳтиром билан урилаётган ўлимбахш болтанинг товушлари...»

Кишанбанд Эгмонтнинг бу нолаларида мудҳиш давр қурбонларининг дард ва аламлари ифодаланганидек эди. Эҳтимол, шунинг учундир Ўзбекистон радиоқўмитасининг мусиқали эшиттиришлар таҳририятида ишлаган олисназар кишилар буюк немиснинг бу асари билан 1937 йил воқеаларига ўз муносабатларини билдирмоқчи бўлгандирлар.

Бундан олти-етти йил муқаддам ҳаётдан кўз юмган йирик мусиқашунос Яков-Ян Пеккер 1936 йили Москва консерваториясини тугатиб, йўлланма бўйича Тошкентга келган. У Тошкент консерваториясида хизмат қилиш билан бирга радиоқўмитанинг мусиқали эшиттиришлар таҳририятида ҳам муҳаррирлик қилган. У Москвада авж олган сиёсий курашлардан озми-кўпми жароҳат олгани ва эски зиёлиларнинг қувғин этилаётганини кўриб, собиқ советлар мамлакатида адолат офтобининг қора булутлар ичига кириб бораётганини сезгани учун бу даҳшатга қарши ўзича курашмоқчи бўлди. Шу мақсадда у «Эгмонт» асосида радиоспектакль яратишга аҳд қилди. Унинг бахтига, Гётенинг бу асари Бетховенга илҳом бериб, у «Леонора» номи билан учта увертюра ва Клерхеннинг икки қўшиғини яратган эди.

Ўша йиллари Ўзбекистоннинг асосий аҳолиси ўзбеклар бўлгани учун «Эгмонт»нинг ҳам ўзбек тилида жаранглаши табиий эди. Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, Пеккер таржимон масаласида радиоқўмитасининг бошлиғи Қурбон Берегинга мурожаат этади. Берегин эса «Демон» ва «Боқчасарой фонтани»ни ўзбекона оҳангларга ўраган Усмон Носирни «Эгмонт»нинг бўлажак таржимони сифатида таклиф этади. Ва Усмон Носир Пеккернинг илтимосига кўра, «Эгмонт»нинг сўнгги катта монологи билан Клерхеннинг қўшиғини таржима қилиб беради. Аммо таржима тугаб, матн Эгмонт ролининг бўлажак ижрочиси Аброр Ҳидоятовнинг қўлига етиб боргунига қадар Усмон Носир қамоққа олинади.

Ўша кезларда радио қўмитасида Т. Л. Велидницкая деган ходима бўлган. Бир замонлар дастлабки ҳикояси билан М. Горькийнинг эътиборини қозонган бу аёл фалакнинг гардиши билан Тошкентга келиб қолган. Т. Л. Велидницкая пролетар адибининг назар-эътиборига тушганлиги билан ўзини мағрур тутар, ҳамкасбларига сўз бермас эди. У 1937 йилнинг июль-август ойларида Усмон Носирнинг «халқ душмани» сифатида қамалганидан дарак топиб, «Энди таржимани нима қиламиз?» деган савол билан Пеккерга мурожаат этади. Пеккер эса унга тайинли жавоб бермайди. Орадан бир неча кун ўтгач эса, матнни олиб кетиш учун радиоқўмитасига Аброр Ҳидоятов келади. Пеккер атоқли артистга ҳам «Эгмонт»ни ким таржима қилганини айтмайди. Аброр Ҳидоятов шу масала билан қизиққанида: «Қандайдир Усмонов деган киши таржима қилган», деб жавоб берадиқўяди. Клерхеннинг қўшиғи аллақаон шарнофонга ёзилгани учун «Эгмонт»ни эфирга тезроқ узатиш йўлларини ахтаради. Аммо сиёсий жиҳатдан хушёр кимсалар масаланинг моҳиятига етиш билангина чекланиб қолмай, яна бошқа сабабларни ҳам рўкач қилиб, Пеккерни сиёсий жавобгарликка тортишга эришадилар. Шу билан Усмон Носир таржимасидаги «Эгмонт»нинг эфирга чиқиш йўллари қатъиян кесилади.

Бизга етиб келган маълумотга кўра, 1937 йилнинг 31 июли урушга қарши қаратилган халқаро кун бўлган. Шу куни, чамаси, уруш ва зўравонликни қораловчи асарлар сифатида Шопеннинг эс-дур этюди ва полонези, шундан кейин эса Бетховен илҳоминнинг маҳсули «Клерхен қўшиғи» ижро этилган. Афсуски, биз бу сўнгги асарнинг қайси тилда ижро этилганини билиш имконига эга бўлмадик. У шу куни ўзбек тилида, демак, Усмон Носир таржимасида ижро этилган бўлиши ҳам мумкин.

Шу нарса ажойибки, «Эгмонт» радиоспектакли Парижда очилажак фестиваль ва кўргазмага юбориш учун тайёрланаётган ва у ўзбек маданиятининг совет даврида эришган ютуқларини кўзкўз қилиши лозим эди.

Радиоспектаклни яратишдан мақсад халқаро миқёсда муайян сиёсий балларга эришиш бўлгани учундир, ҳар қалай таржима матни куйдириб ташланмади. У қандайдир мўъжиза туфайли омон қолди. Ва 50-йилларнинг бошларида, Сталин вафотидан кейин, шу матн асосида Убай Бурҳоннинг машҳур «Эгмонт»и яратилиб, эфирга чиқди. Ҳали Усмон Носир номи оқланмаган, бинобарин, шоир асарлари ҳали эркинликка чиқмаган бир пайтда «Эгмонт»нинг ҳар бир хонадонда янграши ҳақиқат қиличининг синмаслиги-ю навқирон сўз соҳибининг эл-юртига қайтиб келаётганидан дарак бериб турарди.

■ Наим КАРИМОВ

XORIJDA

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ – СУЛОЛА ДАВОМЧИСИ

Шу ҳафтада Индонезия сиёсий ҳаётидаги воқеалар кескин тус олди.

Гарчи, собиқ президент Абдураҳмон Воҳид парламентни тарқатиб юборган бўлса-да, бу янги президентнинг ҳокимият тепасига келишига тўсқинлик қила олмади. Аёллигига қарамасдан, янги президент Мегавати Сукарнопутри сиёсат майдонида анча танилган. У аввалги сайловда А.Воҳидга асосий рақиб бўлган эди. Шу вақтгача вице президент вазифасида фаолият юритган Мегавати Индонезия мустақиллигининг асосчиси Сукарнонинг қизи бўлганлиги учун ҳам халқда катта ишонч уйғотган бўлса, ажабмас. Кейинги йилларда Осиё мамлакатлари ичида ҳукмронлик маълум бир даврда ўша сулола аъзосига қайтиши кузатилмоқда. Покистон, Бангладеш, Бирма, Малайзия ва ниҳоят Индонезия ҳукумати тепасига аёлларнинг сулола давомчиси бўлиб қайтиб келиши қизиқарли ҳолдир.

Янги президент расман ўз вазифасини бажаришга киришди. Куни кеча у сиёсий партиялар вакиллари ҳамда хорижий давлатларнинг элчилари билан учрашув ўтказди.

ҲУДУДДАН МАЖБУРАН ЧИҚАРИЛДИ

Эрон ҳарбий самолёти Каспий денгизида чегарани ноқонуний кесиб ўтган Озарбойжон ҳарбий кемасини мазкур ҳудуддан чиқиб кетишга мажбур қилди.

Бундай воқеа иккинчи бор юз бермоқда. Бир неча кун аввал Эрон ҳарбий кемаси Озарбойжоннинг геологик қидирув билан шуғулланаётган «Геофизик — 3» кемасини чегара ҳудудидан қувиб чиқарган эди.

Кузатувчиларнинг айтишича, Каспий денгизининг расмий мақоми ҳанузгача аниқланмагани боис Эрон ҳукумати Озарбойжон хорижий компаниялар билан денгиз тубидан нефть қазиб олиш тўғрисида шартномалар тузаётганидан норози.

Айни пайтда Озарбойжон мудофаа вазирлиги мамлакат ҳарбий кемаси Эрон чегарасини кесиб ўтгани тўғрисидаги хабарни рад этди.

ИШБИЛАРМОНЛАР ҚАРШИ ЧИҚИШМОҚДА

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун мамлакатда беш кунлик иш ҳафтаси тартибини жорий этиш ғоясини қўллаб-қувватлади.

Унинг айтишича, ушбу чора аҳоли турмуш даражасининг ошишига, истеъмол ҳажми кўпайиши туфайли иқтисодиётнинг янада ривожланишига олиб келади. Бироқ, бунга мамлакат ишбилармонлари қарши чиқмоқда. Уларнинг фикрича, иш кунларининг қисқариши жаҳон бозоридаги рақобатдошлилик даражаси камайиши ва шу билан бирга ишбилармонларнинг касаба уюшмалари таъсир доирасига тушиб қолишига сабаб бўлади.

ИСРОИЛ ТАШРИФИ

Европа Иттифоқи вакили Хавьер Солана расмий ташриф билан Исроилда бўлди.

У бош вазир Ариэл Шарон билан учрашиб, Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласини муҳокама қилди. А.Шарон Исроил ҳукумати Митчел режасига амал қилишга тайёр эканлиги, лекин бунинг учун фаластинликлар томонидан уюштирилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари барҳам топиши лозимлигини таъкидлади.

ТОНГОТАР ЮРТДА

ЯПОНЛАРДА ЎЗБЕКЛАРГА ХОСЛИК БОР

Шу кунгача мамлакатимизга кўп сармоя киритган давлатлардан бири бу Японияди. Унинг қиймати 1,37 миллиард АҚШ долларига тенгдир. Бундан ташқари, Ўзбекистонга энергетика, телекоммуникация, енгил саноат, фан ва техника соҳаларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар, беғараз ёрдамлар ажратилаётир.

Юртбошимиз 1994 йил майда кунчиқар мамлакатга сафари чоғида Ўзбекистон — Япония ҳукуматлараро иқтисодий комиссиясини тузиш ташаббуси билан чиққандилар. 1994 йилнинг 21-22 сентябрь кунлари бу комиссия ўзининг биринчи қўшма йиғилишини ўтказди. Бу йил навбатдаги еттинчи йиғилиш ўтказилиши режалаштирилган. Япония делегацияси таркибида «Митсуи», «Марубени», «Томен», «Сумитомо», «Мицибуси», «Чори», «Нек», «Комацу» каби йирик корпорация ва компанияларнинг раҳбарлари бор.

Токиодаги муҳташам бинолардан бирига жойлашган япон халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA да бўлганимизда мазкур ташкилотнинг республикамиз билан алоқалари жонланиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлашди. Агентликнинг минтақавий раҳбари жаноб Иимура Ўзбекистон JICAнинг 71-аъзоси сифатида қабул қилингани, Ўзбекистонда 1999 йилнинг март ойида янги ваколатхона очилгани, ўтган қисқа даврда анчагина ишлар ҳақида сўзлади.

— Ўзбекистондан келиб ўз билим-тажрибаларини бойитаётган ёшлар борми?

— Бўлмасачи, — деди агентликнинг масъул ходими Митзаки, —Хоккайдо, Окинава оролларидаги шаҳарларда Ўзбекистондан келган 65 нафар талаба яшайди. Уларнинг илм олишга чанқоқликлари, тиришқоқлиги бизда яхши таассурот қолдиряпти. Ҳозир Ўзбекистондан жўнатилган ёш мутахассислар сони 10 фоизга ортган. Барча сарф-харажатлар JICA ҳисобидан. Шу йил охирларида Тошкентда япон марказининг очилиши кўзда тутилган.

Япон жамғармасида бўлганимизда ҳам мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон билан алоқалари жўшқин кечаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Жамғарманинг умумий капитали — 100 миллиард иенани ташкил этар экан. Давлат таъминотидаги бу идора турли маданий тадбирлар учун ҳар йили 20 миллиард иена миқдорида маблағ сарфлайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида — 27-28 август кунлари Тошкентдаги А. Навоий номли опера ва балет театрида японялик санъаткорларнинг концерти уюштирилади. Жамғарма бўлим бошлиғи Хироши Учида ҳозир 30 кишидан иборат ижодий гуруҳ катта гастролга қизғин ҳозирлик кўраётганлигини маълум қилар экан, бундан 3 йил аввал ҳам япон жамғармаси Ўзбекистон пойтахтида Япония кинофестивалини ташкил қилганини эслатди. Япон жамғармаси 1972 йил ташкил топган бўлиб, Британия кенгаши, В. Гёте жамғармаси каби алоҳида нуфузга эгадир.

Япон деҳқони ҳар гектар ердан 3 тонна буғдой ёки 5 тонна шоли ҳосилини йиғиштириб олади. Ерлар хусусийлаштирилган. Маълум бўлишича, бу мамлакатда жон бошига 60 килограммдан гуруч керак бўлар экан. Японияда қишлоқ хўжалиги билан асосан 60 ёшдан ошганлар шуғулланади. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, бу мамлакат узоқ умр кечириш бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Эркакларнинг ўртача умри — 77,1, аёлларники эса 83,8 ёшни ташкил этар экан. Маълумотларга қараганда 13 миллион аҳоли асосан қишлоқ туманларида яшаб, деҳқончилик қиларкан.

Ўзбекистоннинг Японияди Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Шайхов ўзбек-япон муносабатлари хусусида сўзлар экан, бу борада мақтаса арзигулик ишлар амалга оширилаётганлигини айтди. Наманганда «Силк роад» Ўзбекистон — Япония шойи тўқиш фабрикаси самарали фаолият юргизаётганлиги, қолаверса, яқинда Тошкентда йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ҳам бевосита японларнинг кўмагида барпо этилганини, телекоммуникация ва қатор соҳаларда эришилаётган ютуқлар қувонарли. Японлар Ўзбекистоннинг «Сижжак», «Ркацетели» каби виноларини жуда хуш кўришади. Ҳар ҳолда офтобда пишган узумдан қилинган-да.

Бу йил ноябрь ойида Икуи Хирояма Тошкентда «Ипак йўли» рассомлар санъат саройини очмоқчи. 2002 йилда эса махсус меҳмонхона қуриш ниятида. Унда япон ижодкорлари истиқомат қилишади. Ҳозир Японияда бир гуруҳ кўнгиллилар келиб япон тилини ўргатишаяпти. Тошкентдаги университетлардан ташқари улар, Фарғона водийсида ҳам фаолият олиб боришаяпти.

Японларнинг ўзбек маданиятига ихлоси жуда баланд. Нара префектурасидаги Шосоин музейида қадим Сўғдда ишланган мусиқа асбоби — дутор сақланади. Яқинда Ўзбекистон халқ артисти А.Исмоилов Японияда бўлиб, ўз ғижжагида барча куйларни қойилмақом қилиб чалиб, фестиваль қатнашчилари — Корея, Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар вакилларини ортда қолдирди.

— Бундан ташқари, ҳозир японялик археологлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда Сурхондарёдаги Қоратепа, Фаёзтепа, Кампиртепа каби ҳудудларда қазилма ишларини олиб боришаяпти.

Япониянинг қайси шаҳрида бўлмайлик, улар бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни эшитиб, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини бир кўриш иштиёқида эканлигини айтишади. Атом бомбасидан азият чеккан Хиросимада эса Ўзбекистонни алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Айнан бу шаҳарда 1994 йили Осиё ўйинлари ўтказилиб, унда мамлакатимиз футболчилари чемпионлик унвонига сазовор бўлишганди. Ўзбекистон — Япония давлатлари ўртасидаги дўстлик ришталари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига шубҳа йўқ.

■ Азим ПЎЛАТОВ

ШОГИРДЛАРИ ЖУДА КЎП



Собиқ «Совет Ўзбекистони» (ҳозир «Ўзбекистон овози») газетасида йигирма бир йил узлуксиз бош муҳаррирлик қилган толмас публицист ва ёзувчи Мақсуд ҚОРИЕВ 75 ёшда

Ўйлаб қарасам, менга устозлардан буюрган экан. Худога шукроналар бўлсинки, қаерда ишламай яхши инсонларга йўлиқдим. «Темирйўлчи» газетасида Йўлдош Мансуров, Асом Исоқов, Жўрабой Холқосимов, «Тошкент ҳақиқати»да Назармат ака, Нуъмонжон Насимов, «Тошкент оқшоми»да Саъдулла Кароматов ва яна талай устозлар номини ҳурмат билан тилга олишга бурчлиман.

Қисқа фурсат бўлса-да, «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида хат ташувчи, сўнг корректор ёрдамчиси бўлиб ишлашга тўғри келган. Газетачининг иши ҳеч қачон осон бўлган эмас. Бироқ айниқса, шўро замонида газетада ишлаш юпқа муз қоплаган дарё устида юриш билан тенг бўлган. Бир жумла, бир сўз у ёқда турсин, бир ҳарф ноўрин тушиб қолса, муз ёрилиб, дарёга ғарқ бўлиб кетиш ҳеч гап эмас эди. Сталин замонида битта ҳарф туфайли қамалиб кетган муҳаррирлар, сургун қилинган корректорлар ҳақидаги ваҳимали гаплар афсона эмас, аччиқ ҳақиқат бўлган...

Олтмишинчи йилларда Хрушчев мамлакатининг каттаси эди. Омон бўлгур нутқ ирод этишга ишқибоз эди. Гапирганда ҳам икки-уч соат маъруза қилар, бу эса газетанинг роса саккиз бетини эгалларди. Тасаввур қилинг, ўша «тарихий нутқ»нинг ўрисча матни кеч соат тўққиз-ўнларда етиб келади. Шунча нарсани таржима қилиш учун кам деганда уч-тўрт соат вақт керак. Уни кўчириш, линотип машинада териш учун яна икки-уч соат кетади. Корректурани ўқишга киришганингизда тунги соат уч бўлади. Навбатчи шўрлик эшикдан пайдарпай мўралаб, яхшилаб ўқинглар, қайта-қайта ўқинглар, деб тайинлайди. Уни ҳам тушуниш керак, корректорлардан кейин унинг ўқиш навбати келади. Шунақа-ку, бир марта ўқишда уйқусираб суроби тўғри бўлган одам қандай қилиб қайта-қайта ўқисин? Хуллас «тарихий маъруза»ни корректор, навбатчи, ундан кейин муҳаррир Мақсуд Қориев ўқигунча тонг отади. Буни қарангки, энди уйга кетай деб турганингизда «уёқдан» шошилинч хабар келади: «Н. С. Хрушчев маърузасини чоп этиш тўхтатиб турилсин. Жузъий тузатишлар бор». Бир соатдан кейин «жузъий тузатишлар» келади. Буниси ҳам газета саҳифасида саккиз бет! Маълум бўлишича давлат раҳбари шунақанги алмойи-алжойи гапларни айтган эканки, хушёр одам атайлаб ҳам бундай қилолмайди! Маъруза амалда қайтадан таржима қилинади, кўчирилади, терилади, ўқилади... Эртаси кун ёйилиб кетганда бурнингиздан тортса йиқилгудек бўлиб, уйга борасиз. Етиб тинчгина ухлайман, дейсизми? Овора бўласиз! Худо кўрсатмасин, «тарихий нутқ»да бирон хато ўтиб кетган бўлса, муҳаррирдан тортиб корректоргача боши билан жавоб беради! Устоз Саид Аҳмад ака «Йўқотганларим ва топганларим» китобида Мақсуд ака ҳақидаги ҳикояни «Ҳаётим битта ҳарф устида» деб номлагани бежиз эмас.

Мақсуд Қориев шундай қалтис замонда «отахон газета»га узоқ йиллар раҳбарлик қилди. У кезлари бу газета фирқанинг органи бўлгани учун шеър, ҳикоя, романдан парча сингари нарсалар бачкана, кераксиз эрмак саналарди. Латифага айланиб кетган бир гапни ҳамон эслаб юрамиз. Таҳририятнинг «кадровий» ходимларидан бири газета ўқиётиб шу таҳририятда ишлайдиган ходимнинг шеърини кўриб қопти. «Бу ўзимизнинг ходим фалончи эмасми?» деб сўрабди. «Ҳа, ўша йигит» дейишган экан, афсусланиб бош чайқабди, «Мен буни туппа-тузук одам деб юрсам, шоир эканку!»

Мақсуд Қориев раҳбарлик қилган йиллари ўта расмий ва зерикарли газетага янги ҳаво киргандек бўлди. Газета саҳифаларида Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Туроб Тўла, Саида Зуннунова сингари етук ижодкорлар асарларидан намуналар бериб бориладиган бўлди. Бунинг боиси Мақсуд аканинг ўзи бадиий ижодга катта ҳавас ва эҳтиром билан қарар эди. Аввал адибнинг илк ҳикоялари, сўнг «Ойдин кечалар», «Қиз узатиб борганда», «Спитамен», «Ибн Сино» каби йирик асарлари ўз китобхонини топди. Мақсуд Қориевнинг яна бир одати, ўзи ҳамкасбларига ҳамиша ҳурмат билан муносабатда бўлиши, бошқалар, айниқса ёшларнинг ютуғидан самимий қувона олишида. Шунинг учун унинг шогирдлари жуда кўп.

Мақсуд ака ўз касбининг фидойиси. Бир неча йилдан бери «Меҳригиёҳ» газетасига муҳаррирлик қилади. Азбаройи бирон ерда ишлаш заруратидан эмас, шу соҳани севганидан. Бир томондан газетачилик, иккинчидан бадиий насрдан қалам тебратаётган ижодкор бундан кейин ҳам янги шогирдлар тайёрлашига ишонаман.

■ **Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

ЭҲТИРОМ

«5-саҳифа»

ЧИПТАСОТАР БАНКЧИЛАР

Ургут туманидаги «Янги бозор»нинг довруғи кетган. Бу ерда ҳафтанинг уч куни бозорчиларнинг оламан-сотаман, деган ҳайқириғи янграйди.

Бозорга кириш учун 20 сўмлик чиптани олмаса бўлмас. Чиптачилар эса Халқ банки Ургут тумани бўлимининг 20 нафарга яқин ходимлари. Улар пулни олади-ю, эриниб чипта йиртади. Бордию пулингизни бериб, чипта сўрамасангиз юзлари ёришиб кетади.

Ажабланасиз. Бозор акциядорлар жамияти бўлса-ю, банкчилар чипта сотса... Паттачилар қаёқда дейишингиз мумкин. Улар қаёқда бўларди. Бозор атрофида ўралашиб юрибдилар.

Банкчиларнинг чипта сотиши қонунга тўғри келмайди-ёв, дейсизми. Тўғри, акциядорлар жамияти фаолиятига ноқонуний аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

— Вилоят ҳокимининг қарори билан бозорни назорат қилаяпмиз, — дейишди банкчилар. Оббо, қарорда банкчилар чипта сотсин дейилмагандир. Ёки вилоятда назоратни бозорда чипта сотиш дея тушунадиган раҳбарлар борми?

Бозор дарвозаси олдига худди метродагидек жетон ташлаб ўтадиган автоматлар ўрнатилса бўлмайдими? Бўлади. Самарқанд шаҳридаги «Кечки бозор» ва Н.Ҳожиев номидаги бозорларда дарвозалардан кириш ана шундай замонавий усулда эди. Қарордан сўнг, автоматдан воз кечилиб, бу бозорларда ҳам банкчилар қўлда чипта сотаяпти. Натижада чипта сўмлари давлат ҳазинасидан кўра баъзи бир чўнтакларга оқиб кирмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

ХАЁЛОТ

ТИРИКЧИЛИК ВА ТИРИКЛИК

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ерда ҳаёт пайдо бўлиб, капалаклар учгунича яна 380 миллион йил керак бўлган экан. Нафосат тимсоли бўлмиш анвойи гуллар атирбўйи сочгунча эса тағин 185 миллион йил ўтган, деган тахминлар бор. У ёғини сўрасангиз, инсон боласи қўшиқ айтишда қушларга тенглашиб, муҳаббат йўлида ҳаётидан ҳам воз кечишга қодир бўлгунича тўрт геологик давр керак бўлган. Гўзал сайёрамиз, она-табиат, деймиз ардоқлаб. Зеро, инсон қўли-ю, ақл-идроки уйғунлашган бир тугмачани босиш билан қиёмат қойма йўл қўйишгача «етилганимиз»ни кўп ҳам хаёлга келтиравермаймиз.

Ҳозир эса тирикчиликка, тирик қолиш ғами илашиб кетаяпти. Хаёлимга уруш йиллари келади. Биз жойлашган ўрмон катта замбарак отишмаларига дучор бўлганди. Жон сақлаш учун бир ўпқонда қуён билан бирга паноҳ топганим эсимда. Ҳа, ўрмон ёнганда ёнидаги кийик билан бўрининг иши бўлмас экан. Боиси, бунақа пайтда тирикчилик эмас, тирик қолиш афзал бўлади. Қиссадан ҳисса шуки, тириклик маскани бўлмиш заминни асрайлик, тирикчиликка ҳамиша улгурамиз.

■ **Ғофур ЖЎРАЕВ**

КУРНИКОВА — ФЕДОРОВ:

АСЛИДА ТЎЙ БЎЛГАНМИДИ?

Ўтган йили Анна Курникова ва Сергей Федоров Британия шаҳзодаси Эндрю билан танишдилар

Душанба куни Лондонда чиқадиган «Сан» газетасининг биринчи сафиҳасини россиялик таниқли теннисчи Анна Курниковани сурати безади. Бирлашган қироллиқнинг энг кўп нусхада тарқаладиган газетаси Курниковаларнинг миллионлаб мухлисларини лол қолдирадиган хабар тарқатди. Анна эрга тегаётганмиш. Бахтли куёв эса ғарбда машҳур бўлиб қолган «Детройт Ред Уингз» клубининг хоккейчиси — россиялик Сергей Федоров эди. Аннанинг отаси Сергей Николаевич Курников эса журналистларга ҳеч қандай тўй бўлгани йўқ, деб айтди. Бироқ Анна билан Сергей ўртасида никоҳ битими тузилганлигини ҳам инкор этгани йўқ.

Анна билан Сергей икки йил аввал Уимблдонда никоҳдан ўтишганди

«Сан» газетасининг тезкор хабарида айтилишича 20 ёшли Курникова билан 31 ёшли Федоровнинг тўйи Москвада яширин тарзда ўтган. Никоҳга эса бор-йўғи беш киши — келинқуёвнинг ота-онаси ва куёвнинг акаси таклиф этилган. Улар тўй атрофидаги шовқин-сурондан қутулишга эришишди. Бундан ташқари тўй Уимблдон турнири давом этаётган пайтда ўтган. Чунки бу пайтда Анна оёғидаги жароҳатни даволатаётганлиги туфайли турнирда иштирок этмаётган эди.

Дарвоқе, бундан икки йил аввал 1999 йилда ўтказилган Уимблдон турнири пайтида ҳам эндигина 18 ёшга тўлган Курникова Федоровга турмушга чиққан эди. Ўтган йили эса уларнинг турмуши бузилгандай бўлди. Аннага яна бир россиялик таниқли хоккейчи Павел Буре муҳаббат изҳор қилганди. «Сан»нинг ёзишича Курникова ундан нархи 1 миллион фунт стерлинглик (1,5 миллион долларлик) никоҳ узугини қабул қилиб олган.

«Сан» газетаси воқеалар ривожини қуйидагича шарҳлайди: ғазабланган Сергей дарров Детройтдан Майамига учиб келди ва севиклисини қайтариб олиш мақсадида Аннанинг оёқлари пойини қип-қизил гулларга буркайди. Ниҳоят Анна Павелга қимматбаҳо узукни қайтариб берди ва яна Сергей билан қолди. Газетанинг хабар қилишича, Сергейнинг онаси Наталия ёшлар ҳеч қандай асал ойи сафарига боришмаганлигини таъкидлаган. Улар жуда кўп ишлашаяпти. Тўйдан сўнг ёшлар ўз уйлари Майамига бориб машқларни давом эттираяпти, — деди Наталия Федорова.

«Сан» бировнинг чўнтагидаги пулларни ҳисоблаш имкониятини ҳам бой бергани йўқ. Ўтган йили Курникова 10 миллион доллар ишлаб олган. Унинг кортларда ишлаб топган мукофот жамғармаси бу сумманинг 10 фоизини ташкил этади, холос. Федоров билан Курниковани умумий бойлиги 45 миллион долларни ташкил этади, деб ёзади газета. Майамидаги қасрнинг ўзи 7 миллион доллар туришини ҳам эслатиб ўтади.

Машҳур теннисчи Анна Курникова

■ **Шарофат ХУРРАМОВА тайёрлади**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдолар 2001 йил 31 июль, 8 август кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга чет эл инвесторларига, эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:

Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида жойлашган, Самарқанд электр тармоқлари ташкилотига қарашли «Миронкўл» дам олиш маскани.

Бошланғич баҳоси-4240,6 АҚШ доллари.

Шунингдек, ушбу савдоларга миллий валютамизга сотиладиган қуйидаги объектлар ҳам қўйилади:

1.Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган «Тошкент Компрессор заводи» ОАЖ га қарашли ошхона биноси (мол-мулки билан).

Бошланғич баҳоси-24 392 403 сўм.

2.Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, «Намуна» кўчасида жойлашган «Нон-паста» акциядорлик жамиятининг устав жамғармасига киритилган 7 сонли («Чиғатой») ишлаб чиқариш цехи.

Бошланғич баҳоси- 27145 582 сўм.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17

INTER - SPORT

ТАЙСОН ЯНА ШАЙЛАНМОҚДА



Халқаро Бокс федерацияси 8 сентябрь куни Копенгагенда ўтказиладиган бокс чемпионатида даниялик Бриан Нейлсин Майк Тайсонга қарши рингга тушиши мумкинлигини маълум қилди. Тайсоннинг иш бошқарувчиси Шелли Финкел эса мухбирлар билан учрашувда, Нейлсин Тайсон билан жанг ўтказадиган бўлса, аввало шартномани имзолаши лозим деган.

Майк Тайсоннинг охирги уч жангида сарфлаган жами вақти 10 дақиқа-ю 41 сонияни ташкил этади. Шундай экан у кейинги вақтда 2-3 раунддан ортиқ муддатда рақибини мағлубиятга учрата олади. Нейлсин ҳам 62 марта учрашув ўтказиб, шундан 43 тасини нокаут қилган ва бир марта енгилган.

2 июнда Тайсон Давид Изонга қарши рингга тушиши эҳтимоли бор эди. Аммо Тайсоннинг Ҳасим Раҳмонга қарши жангга чиқиши маълум бўлиб қолгандан сўнг, Давид Изон билан бўладиган жанг қолдирилган.

ТЕННИС КУБОГИ МАВСУМ БОШИДА

Лос Анжелесда «АТР Мерседес Бенц» теннис кубоги учун кураш бошланди. Биринчи раундда ўйинга тушган Майкл Чанг исроиллик Ноам Берни иккинчи сетда 1:5 ҳисобида ортда қолдирди. 29 ёшли америкалик Чанг 1998 йилдан буён фақатгина ўтган йил биринчиликни қўлга киритган. Лекин бу йил у ярим финалгача ҳали етиб келгани йўқ.

Британиялик Грек Русидески таиландлик Парадорин Срикофанни 7:4 ҳисобида мағлуб қилди. Кейинги ўйинни Андре Агасси америкалик Жеймс Брикка қарши бошлаб беради. Иккинчи сетда Андрей Родик россиялик Марат Сафинга қарши майдонга тушади.

Америка биринчилиги учун футбол чемпионати аллақачон бошланиб кетди. Бу мавсум Бразилия терма жамоаси учун омадсиз келди. У Гондурасга 2:0 ҳисобида ғолибликни бой бериб қўйди. Гондурас чорак финалга чиқиш учун Аргентинани ютиши шарт. Колумбия терма жамоаси Перу командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Эндиликда Колумбия жамоаси Куба терма командасига қарши майдонга тушади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA